

БУГУНГИ КУН РАҲБАРИГА-ЗАМОН ТАЛАБИ

*Чирчиқ олий танк қўмондон муҳадислик
билим юрти, Ҳарбий психология
кафедраси катта ўқитувчиси
Б.А.Тиловов.*

Раҳбар дегани кузатувчи эмас, авваломбор, барча ишларга бош-қош бўладиган, масъулият ва жавобгарликни ўзига оладиган, оғир пайтда бошқаларга намуна бўладиган, ташкилотчи, керак бўлса, ҳарбий жамоани ўз ортидан эргаштиришга қодир, куч қудрати ва иродаси бақувват инсон бўлиши шарт. Раҳбар ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажаришлари, жамоани қийнаётган жиддий муаммоларни чуқур ўрганиб, ечимини топиш, ўз ишига танқидий қараш қобилиятига эга бўлиши лозим. Энг муҳими ватанпарварлик ғояси раҳбарнинг энг асосий вазифаси эканлигини асло унитмасликлари керак.

Раҳбарлик бу—Аллоҳ томонидан иноят қилинган буюк мукофот бўлиб, насл-насаби, авлодларга қолдирадиган меҳнати, касб маҳорати билан яратилган. Раҳбар бўлиш, айниқса ҳарбий тизимда ҳизмат фаолиятини олиб бориш кўпчилик инсонларнинг орзуси. Бироқ, у кутилмаганда бериладиган совға-Аллоҳнинг назари, ризқ-насибаси, махсус мансаб либоси, обрӯ-эътибори, энг муҳими эл олдидаги иззат-ҳурмати, мартабасидир¹[2].

Демак, раҳбарлик, Қуролли Кучлар тизимида хизмат фаолиятини олиб боришлик бу – катта ва ноёб бахт экан. Буни ҳис этган ҳолда янада хизмат фаолиятига ва функционал вазифасига тегишли ишларни виждонан ва сидқидилдан бажаришни масъулият деб сезган ҳолда мунтазам равишда амалга ошириб боришлари талаб этилади.

Раҳбарлик мансаб ёки лавозим бўлиб қолмай, балки инсон қалбидаги поклик, меҳр, ҳурмат, эътибор, ишонувчанлик, ўз касбига ҳавас билан қараш, ҳамкасбларига ва турли тоифа касб эгаларига нисбатан ижобий муносабат ўрнатиш, самимий муносабатда бўлиш, улар билан ҳушмуомалалик, ўта камтарлик, камсўқимлик, меҳнатсеварлик, касбий ва ҳуқуқий маданиятга, етук маънавиятга ва миллий мафкурага жиддий эътиборлилик қаратиш билан

¹ Турсунов Сайфулло. Раҳбар маънавияти. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2009 йил.7-бет.

биргаликда энг муҳими Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осайишталигини таъминлашда, ўта хушёрлик, огоҳлик ва сезгирликка нисбатан мунтазам равишда назоратни кучли олиб боришлари талаб этилади. Замонавий раҳбар–раҳбарлик этикасига, сўзлашув одобига муомала маънавияти ва тил маданиятига ниҳоятда қатъий риоя қилишлари талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони И.А.Каримов ҳарбий раҳбарларнинг маънавий қиёфаси ва салоҳияти ҳақида гапирганда: **“Раҳбарлик илоҳий фазилат, қолаверса, у тинимсиз изланиш, интилиш, билим ва тажрибанинг маҳсулидир”**, дея таъкидлайди.

Ҳарбий раҳбарликнинг бош йўналиши-одоб-ахлоқ, кенг тафаккур, тинимсиз изланиш, бебаҳо илм эгаллашдан иборат бўлишлари лозим. Бугунги кунда замонавий раҳбар, авваломбор, ўзини тарбиялаган, вояга етказган ва тарбиялаган ота-онасини, улғайтириб катта қилган жонажон Ватанини, муқаддас она тупроқни, улуғ аждодларни, буюк тарихимизни, шунингдек, буюк мутафаккирларнинг тарихий, фалсафий ва мантиқий бебаҳо ва улардан қолдирилган дурдона ноёб асарларини ўқиб-ўрганишлари, ва мунтазам равишда касбий фазилатларни ўзига сингдириб боришлари лозим.

Замонавий раҳбар, айниқса ҳарбий хизмат фаолиятини олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ўз хизмат турларин, энг муҳими, хизмат бурчига садоқатли бўлган ҳолда қўйидаги томонларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади:

1.Ўзининг инсонгарчилик олдидаги виждонийлик бурчи;

2.Ота-онаси, ака-укаси, яқин қариндошлари ва оиласи олдидаги инсонийлик бурчи;

3. Давлат олдидаги касбий бурчи;

4. Касбий жамоаси ва бутун эл-юрт, халқ олдидаги хизмат бурчи.

Ўзбекистон Республикаси Олий Бош Қўмондони И.Каримовнинг **“раҳбарнинг атрофидаги муҳит, маънавий иқлим, ҳарбий жамоаларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак”**, деган ибратли сўзлари ҳар бир замонавий раҳбар учун ўғит бўлмоғи шарт деб ўйлаймиз.

Замонавий раҳбарнинг зоҳирий ва ботиний қиёфаси, фазилатлари қандай бўлиши ҳақида юртбошимиз шундай дейди: **“раҳбар ўзи ҳам ёниб, ўзгаларни**

ҳам ёндириб яшаши керак". Демак, бундан хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий офицер ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера оладиган, иродаси мустаҳкам, экстремал вазиятларда тез қарор қила олиш қобилиятига эга бўладиган, оғир, чигал, қийинчилик вазиятлардан шошмашошарликка йўл қўймасдан, ўта хушёрлик билан мураккаб ва ўта оғир вазифаларни ўзининг зиммасига оладиган ҳамда вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятига эга бўладиган, энг муҳими ҳарбий жамоани ҳеч қандай талофатсиз вазиятдан чиқариб кета оладиган ҳақиқий ватанпарвар ва фидойи офицер бўлиши лозим.

И.Каримов таъбири билан айтганда, **“Раҳбар...унга ишонч билдириб, масъул лавозимга кўтарган халққа ҳамиша сидқидилдан хизмат қилиши, керак бўлса шу йўлда жонини фидо этишга тайёр туриши даркор”**[3].

Замонавий раҳбар берилган улуғ мартабанинг қадрига етиши ташаббускор, юқори фазилатли бўлиши, кўпроқ ўрганиб, кўпроқ изланиши, кечиримли ҳамда самимий, камтарин, ҳар бир мулоҳазани жиддий ўйлаб хулоса қилиб, ҳукм чиқариши зарур.

Бугунги кунда замонавий раҳбар буюк сиймоларни, улуғ аждодларни, давлат раҳбарларини, ҳарбий саркардаларни, уларнинг улуғликка етказган салоҳиятига, раҳбарлик санъатига, ташаббускорлигига, мулоҳазаларига кўпроқ эътибор бериши, улар билан руҳий, ҳаёлий жиҳатдан суҳбатлашиб турмоғи лозим. Мисол тариқасида соҳибқирон Амир Темурнинг фикр мулоҳазаларини келтиришни жоиз топдик. Амир Темур давлат ишларини бошқаришда, халқ билан мулоқот қилишларида ҳамда раҳбарларни танлашда қўйидаги масалаларга жиддий эътибор берган:

“Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Насли-ю, зоти ёмон, ҳасадчи, гина-кек сақловчи, қора кўнгил кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузук, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қилса, давлату, салтанат тез орада қулайди²;

² Амир Темур ўғитлари. Тошкент. 1992 йил.

Демак, юқорида қайд этилган фикрлардан хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, доно вазир шулдирки, ўз ўрнига қараб гоҳ қаттиқ қўллик билан, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа йўламайдилар.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек давлатчилиги тарихи кўп асрлар нарига бориб тақалади. Мамлакатимиз, миллатимиз ўз тараққиёти давомида кўплаб синовларга дуч келганини ва яхши-ёмон кунларни бошидан кечирганликларини тарихдан биламиз. Бу серқуёш ўлкамизга ёмон ниятда бўлган, тажовуз кўзи билан қараган, бойликларига эса эгалик қилишга, тортиб олишга интилган босқинчилар кўп бўлган. Эрон томондан ахмонийлар, Юнонистондан Александр, Арабистондан Қутайба, Мўғилистондан Чингизхон ҳамда чор Россияси истилочилари бостириб келишган. Бирок, барча замонларда ҳам ўз юртини асраш мақсадида босқинчиларга қарши озодлик байроғини баланд кўтарган ватанпарвар йўлбошчилар, миллат қахрамонларининг халқимиз душманлари билан тинимсиз кураш олиб борганлари тарих саҳифаларидан бизларга маълум.

XIII-XVI асрларда яшаган Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур, Муҳаммад Шайбоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби давлат арбоблари, буюк саркардаларимиз жаҳон ҳарбий санъатига бебаҳо хисса қўшганлар. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бетакрор ҳарбий истеъдоди ва қобилияти нафақат Шарқда, балки Овропа мамлакатларида ҳам юқори баҳоланган³. Амир Темур ҳарб илмининг даҳоси бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, у рақибларининг кучли ва заиф томонларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ўзининг мустақил тактикасини ишлаб чиққан. Жанговар ҳаракатлар давомида кутилмаган жанг усулларини ўйлаб топган ва ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган қарорларни қабул қилган [3].

³ Ҳарбий санъатимиз ривожини. Ватанпарвар газетаси, 2014 йил 3-январ, № 1 сони.

Юқорида қайд этилган фикрлардан хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳарбий жамоани бошқариш – бу санъат. Ҳарбий жамоанинг жанговар фаоллиги, психологик чидамлилиги оширишда, турли жанговар ҳаракатлар вақтида душманга нисбатан психологик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул ва самарали усулларини қўллаш биландиган, шунингдек, психологик операцияларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича махсус касбий малакага эга бўлган тажрибали раҳбарларга эҳтиёж сезилар экан, бугунги кун замонавий раҳбаридан: душманнинг салбий психологик ахбороти таъсирига нисбатан шахсий таркибда иммунитетни шакллантира оладиган ва душманга қарши кучли зарба бера олиш қобилиятига эга бўлган, уларга нисбатан самарали қарши курашишни ташкиллаштира оладиган, касбий маҳоратига ва касбий қобилиятга эга бўлиши талаб этилади. Жамият ва давлат ишончи, мустақил Ватанимиз қалқони бўлган ҳарбий раҳбар ўзини–ўзи бошқара олмаса ҳарбий жамоани бошқариш ҳақида ўйлаб кўриши ҳам мумкин эмас деган одилна фикр билан хулоса ясаган ҳолда мазкур муаммони долзарблигидан келиб чиққан ҳолда Сизлардан қизиқарли ва сермазмун мушоҳада ва фикрлар кутиб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Турсунов С. Раҳбар маънавияти. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2009 йил.7-бет.
3. А.Холбеков, И.Махмудов, Ф.Равшанов. Замонавий раҳбар: маънавий фазилятлар, психологик қиёфа касбий маҳорат. – Тошкент, 2008.
4. Ҳарбий санъатимиз ривожини. Ватанпарвар газетаси, 2014 йил 3-январ, № 1 сони.
5. М.Йўлдошев, Н.Назарзода. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. – Тошкент, 2010.
6. В.М.Каримова. Ижтимоий психология. – Тошкент, 2002.
7. www.ziyonet.uz